



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL 2024 CAPITAL
TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ECONOMICS

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

LABOUR LABOR ECONOMICS LIFE EXPECTANCY

LIFE EXPECTANCY

2024 yil 4-son

HUMAN CAPITAL

Volume 10, Issue 4, 2024

QUALITY OF EDUCATION

HUMAN CAPITAL INDEX QUALITY



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
№ 4-2024

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog’lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:**(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:**(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d.. prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d., prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.

G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)

Jon Ankor (Buyuk Britaniya)

Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)

Xeynz Miller (AQSh)

Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)

Masato Xivatari (Yaponiya)

Gerxard Feldmayer (Germaniya)

Eko Shri Margianti (Indoneziya)

Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)

Rohana Ngah (Malayziya)

Sharifah Zanniyerah (Malayziya)

Teguh Dartanto (Indoneziya)

Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)

Muhammed Xoliq (Pokiston)

Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

S.B.G'oyipnazarov	<i>Change of professions and skills in the field of tourism under the influence of artificial intelligence.....</i>	6-19
I.A.Bakiyeva		
S.M.Kurbanbayeva		
S.S.Amirdjanova	<i>Prioryetetnye napravleniya zanyosti naseleniya i organizatsionno-ekonomicheskie mehanizmy ego realizatsii.....</i>	20-33

INSON KAPITALI

A.B.Irmatova	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i>	34-50
A.M.Saidahmadov		
F.O.Odilova	<i>Kasb-xunaqtayt tashkilotlari qurilishi kashfiy kunnikmalari oshiriishga ta'sisir koursatuvchi omillar</i>	51-60
T.N.Azimov	<i>Rol' vyschego obrazovaniya v obespechenii ustoychivogo rosta chelovecheskogo kapitala</i>	61-78
T.B.Shomurodov	<i>Oziq ovqat xavfsizligini ta'minlashning inson kapitalini rivojlanishiga ta'sirini baholash</i>	79-86

INSON TARAQQIYOTI

Sh.D.Akishova	<i>O'zbekistonda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish orqali moliyaviy salohiyatni oshirishning zamonaviy holati.....</i>	87-93
X.X.Yaxshimuratova	<i>Mamlakat aholisining turmush farovonligini oshirishda iste'mol kreditlarining ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan obyektiv zarurligi.....</i>	94-100
Z.K.Murtozayeva	<i>The role of public procurement in the project financing system formed on the basis of public opinion in the Republic of Uzbekistan.....</i>	101-109
Ch.O'.Ro'zimurodova	<i>Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish: zamonaviy tendensiyalar va asosiy o'zgarishlar.....</i>	110-120
T.B.Shomurodov	<i>O'zbekistonda aholi daromadlarining oziq-ovqat xavfsizligiga ta'sirini baholashning metodologiyasini takomillashtirish.....</i>	121-130

KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH

O.A.Norboev	<i>Mulkiy munosabatlar mechanizmini takomillaشتiriш.....</i>	131-141
--------------------	--	---------

T.B.Shomurodov

Daromad tengsizligining oziq-ovqat xavfsizligiga ta'siri: rivojlanayotgan mamlakatlar misolida..... 142-150

MIGRATSIYA**Z.T.Jumanova**

Turizm sohasi faoliyatini statistik tahlil qilish..... 151-161

M.F.Abdumannofova**INSON RESURSLARINI BOSHQARISH**

Inson resurslarini boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning tendensiyalari 162-171

G.R.Kuziyeva

Kichik biznes va xususiy tadbirdorlikda ishchi kuchi samaradorligini oshirishda innovatsiyalarning ta'sirini baholash 172-180

G.R.Kuziyeva

Ishlab chiqarishda innovatsiyalarning joriy etilishining ishchi kuchi samaradorligiga ta'sirini baholash 181-188

S.K.Mansurov**TADBIRLIKNI RIVOJLANTIRISH**

Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda tovarlar eksportining o'rni va ahamiyati 189-203

S.U.Ismailova

Роль цифровых маркетинговых стратегий в обеспечении устойчивого экономического роста в цифровой экономике 204-213

Sh.Sh.Ataganova

Turistik destinatsiya raqobatbardoshligini oshirish orqali mintaqada turizmni barqaror rivojlantirish 214-221

D.B.Fayziyeva

Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalarining samaradorligini oshirish mexanizmlarini takomillashtirish 222-232

Sh.U.Karimova

Mintaqada turizmni rivojlantirishda turistik resurslardan unumli foydalanish 233-238

G.R.Kuziyeva

O'zbekistonda innovatsiyalarning yapli ichki mahsulotni diversifikatsiyalashdagi rolini baholash... 239-247

Sh.S.Sayfutdinov

Hududiy turizm bozorini barqaror rivojlanishining nazariy asoslari 248-254

D.T.Alijonova**GENDER TENGLIGI****B.A.Xonturayev**

Ta'lim institutlarini jamiyatga ta'sirini gender indekslari asosida baholash 255-270

MUNOSIB MEHNAT

S.B.G'oyipnazarov

Barriers to the adoption of Industry 4.0 technologies in the practice of occupational safety and health of smes... 271-281



**МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ
ВА ИСОН КАПИТАЛИ**
ISSN: 3030-3117
<https://laboreconomics.uz/>



**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР
КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Одилова Феруза Одиловна

Жиззах шаҳар 3-сонли умумий ўрта
таълим мактаби ўқитувчиси, тадқиқотчи
e-mail: fodilova878@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a122

Аннотация. Мақолада касб-хунар таълими битирувчиларининг меҳнат бозоридаги иштирокини касбий кўнималарини ошириш йўли билан таъминлаш масалалари ўрганилган. Мамлакатимизда аҳоли иш билан бандлиги самарадорлигини таъминлаш, меҳнатга лаёкатли аҳоли кенг қатламишининг иш билан бандлик даражасини ошириш, касб-хунар таълими битирувчиларининг иш билан бандлиги, касб-хунар таълими битирувчиларининг касбий кўнималарни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: касб-хунар таълими битирувчилари, касбий кўнимкама, иш билан бандлик, меҳнат шароити, янги иш ўринлари, меҳнат бозор.

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
КАЧЕСТВА ВЫПУСКНИКОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Одилова Феруза Одиловна

Учитель средней школы №3 г.Джизак, Соискатель

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы обеспечения участия выпускников учреждений профессионального образования на рынке труда путем повышения их профессиональной квалификации. Разработаны практические предложения и рекомендации по обеспечению эффективности занятости населения в нашей стране, повышению уровня занятости широких слоев трудоспособного населения, повышению уровня трудоустройства выпускников учреждений профессионального образования, развитию профессиональных навыков выпускников учреждений профессионального образования.

Ключевые слова: выпускники профессионального образования, профессиональные навыки, трудоустройство, условия труда, новые рабочие места, рынок труда.

FACTORS INFLUENCING THE IMPROVEMENT OF PROFESSIONAL QUALITY OF GRADUATES OF PROFESSIONAL EDUCATION

Odilova Feruza Odilovna

Teacher of secondary school №3 of Jizzakh,
Researcher

Abstract. The article considers the issues of ensuring the participation of graduates of vocational education institutions in the labor market by improving their professional qualifications. Practical proposals and recommendations have been developed to ensure the effectiveness of employment of the population in our country, increase the level of employment of broad strata of the working-age population, increase the level of employment of graduates of vocational education institutions, and develop the professional skills of graduates of vocational education institutions.

Keywords: graduates of vocational education, professional skills, employment, working conditions, new jobs, labor market.

Кириш

Жаҳонда меҳнат бозорини самарали бошқариш борасида касб-хунар таълими битиравчиларининг касбий кўникмаларини ошириш, меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётганларнинг касбий лаёқатларини ва рақобатлардошлигини ошириш, уларнинг иш билан бандлигини ошириш, меҳнат муносабатларининг янги шаклларини жорий этиш каби йўналишларидағи илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида профессионал таълими битиравчиларнинг касбий кўникмаларини бошқариш, уларнинг касбий ҳаракатчанлиги, рақобатбардошлигини ошириш, меҳнат бозори ва битиравчиларнинг иш ўрнига бўлган эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, касб-хунар таълими битиравчиларининг меҳнат бозоридаги ўрни ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш омилларига боғлиқ. Бу борада «...700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур. Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади»[1]. Бу тизимдаги вазифаларнинг ижросини таъминлашда касб-хунар таълими битиравчиларининг касбий кўникмалари, рақобатбардошлигини ошириш, унинг самарали механизмларини бошқариш борасидаги илмий-тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Замонавий шароитда меҳнат бозори жамият иктисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим соҳаси ва хўжалик юритишнинг таркибий қисмларидан

бирига айланган. Мазкур бозор меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат қилишга бўлган лаёқатларини таклиф қилиш соҳасини топиш хоҳиш истаклари йиғиндиси сифатида шаклланса, ишчи ўринлари бозори корхона ва ташкилотларнинг ишчи кучига бўлган жами эҳтиёжлари сифатида ташкил этилади. Бу эҳтиёжларнинг қондирилиши эса касб-хунар таълими битиувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда самарали бандликни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади ва бу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси демографик таркибида ёшлар улуши юқори бўлиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига республика бўйича ёшлар (14-30 ёш) сони 9 654 351 киши ташкил этиб, жами аҳолининг 26,8 фоизига teng [2]. Ҳар йили мамлакатимиз аҳолисининг 900 мингдан ортиқ нафарга қўпайиб бораётганлиги ёшларнинг иш билан бандлиги, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар олиб бориш мақсадга мвофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистонда касбий таълим соҳасида институционал яхлитликни таъминлаш ва бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, халқаро таълим дастурларини жорий этиш ҳамда ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош ўрта бўғин кадрлари тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат раҳбариятининг диққат марказидадир. Ҳусусан, “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 октябр 2024 йилдаги 158 – сонли Фармонида касбий таълим тизимини такомиллаштириш, битиувчиларининг касбий кўникмаларини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагилар белгиланган:

- касбий таълим соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш, ўрта - бўғин кадрларни тайёрлаш жараёнларига манфаатдор вазирлик ва идораларни кенг жалб қилиш, уларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш;

- касбий таълим ташкилотлари битиувчиларининг кўникма ва компетенцияларини баҳолаш тизимини тубдан янгилаш, ушбу жараёнда иш берувчилар вакиллари фаол иштирок этиши учун қулай шартшароитлар яратиш.

- касбий таълим ташкилотлари ўқув жараёнига халқаро таълим дастурларини жорий қилиш, ўқитиши якуни бўйича бериладиган таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган[3].

Академик Қ.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича “Меҳнат бозори субъектлари муносабатлари тизимига маҳсус органларнинг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усувлар, хуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъмин этиши зарур [4].

Замонавий бошқарув механизmlари таълим тизими битиравчиларининг меҳнат бозоридаги ўрни ва касбий кўникмаларини ривожлантиришда “...мамлакат таълим тизими ҳамда унинг маҳсули бўлган битиравчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат бозори ва замон талабларига мос билим ҳамда ҳаётий кўникмаларга эга профессионал кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади” [5].

Маҳаллий олимлардан профессор Ш.Холмўминовнинг таъкидлашича “Айнан касбга йўналтириш ва психологияк қўллаб-қувватлаш янги бозор шароитларига касбий карьерани амалга ошириш учун оптималь шарт-шароитларни яратиш орқали инсоннинг мослашувчанлигини ошириш, меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг индивидуал хусусиятлари билан мувофиқликда фуқароларни ишга жойлаштиришни оптималлаштириш имкониятлари ва ҳаёт йўлиниң ҳар қандай босқичида касбий ўз-ўзини аниқлаш жараёнини фаоллаштиришга йўналтирилган. Бунинг натижасида иш билан бандлик хизматининг касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва психологияк қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассисларини психологик тайёрлашга талаби кучаяди. Улардан психологик имкониятлар, шахснинг ички ресурс имкониятлари, унинг яшрин салоҳияти, касбга кириш ва касбий устунликга эга эканлиги, маслаҳат беришнинг психотехнологик билимлари ва ахлоқ-одоб нормалари ва тамойилларига мувофиқ мижоз билан суҳбат қуриш лаёқати тўғрисида билимларни талаб этади” [6].

МДҲ олимларининг фикрича меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлигини ёритиб “... иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптималь усувлардан фойдаланиш” ни тадқиқ қилган. [7].

Ўзбекистон Республикасида ҳам жадал олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида самарали иш билан бандликни таъминлашга йўналтирилган мутлақо янги тизим шаклланди. Жумладан, Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11- сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон-2030» стратегиясидаги “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган I

бўлими “Профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва қўнималарга ўргатиш” 6 бандида қўйдаги вазифани қамраб олган: 700 та профессионал таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва моддий-техника базасини такомиллаштириш, 14 та ҳудудий профессионал тайёргарлик марказларини ташкил этиш, малака тоифасига эга бўлган педагог кадрлар улушини 50 фоизга, масофавий ёки аралаш шаклларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улушини 30 фоизга етказиш каби вазифаларнинг ижроси ўз натижасини бермоқда [8].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида касб-хунар таълими тизими битирувчиларнинг иш билан бандлигининг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар орасида иш билан бандликни оширишга эришиш ва бу борадаги ижтимоий-иктисодий механизмларни такомиллаштиришнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш бўйича иктисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, гурухлаш усусларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар ва муҳокамалар

Меҳнат бозори ривожланиши ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш тизими такомиллашиб бориб, битирувчиларнинг ишга жойлашиш борасида иш билан бандликнинг янги турларини қўллаб-қувватлаш ва меҳнат бозори ривожланишининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу сабабли, республикамиз меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолининг иктисодий фаол қисми ҳолати билан белгиланади. Бу эса мазкур бозордаги рақобатга боғлиқdir. Шунга кўра, меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатининг мавжуд бўлиши, бир томондан, ишчи кучининг профессионал маҳоратини ўстириш, кенгайтириш ва малакасини ошишини рағбатлантирса, иккинчи томондан, иш берувчиларни қулай меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитларини яратиш ҳамда сақлаб туришга ундейди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли иш билан бандлиги самарадорлигини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳоли кенг қатламишининг иш билан бандлик даражасини ошириш, касб-хунар таълими битирувчиларининг иш билан бандлиги, меҳнат бозори конъюктурасидаги ўзгаришлар тенденцияларини тадқиқ этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари ривожланишининг айни вақтдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлари иш билан бандлик ҳолати ва унинг шакллари, бандликка анъанавий ёндашувлардан сезиларли даражада фарқланиб бормоқда.

Шу ўринда иш билан бандликка сезиларли таъсир қўрсатувчи кичик бизнес ва оиласиб тадбиркорликнинг меҳнат бозорига биринчи бор

келган каб-хунар таълим тизимини битирувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар очиб берилмоқда.

Замонавий шарт-шароитларда битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган янги механизми қуидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши, ёлланма иш кучига меҳнат ҳақини (нархини) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш, меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болалик аёллар ва ногиронлар иш билан бандлигини оширишни рағбатлантириш, ишсизларнинг малакаси, рақобат қобилияти ва касбий ҳаракатчанлигини ошириш, меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар (1-расм).



1-расм. Битирувчиларининг меҳнат бозоридаги касбий кўникумаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар¹

Шунингдек, ёшлари учун янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи ижтимоий омиллар мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни юқори босқичга чиқаради. Улар орасида ижтимоий меҳнат муносабатларни янги шаклларини жорий этиш, ижтимоий кафолат, яшаш даражаси, уни сифати ва меҳнат фаолияти даражасини кўтариш мақсадида ижтимоий таъминот, худудий миқёсда қишлоқ ёшлари

¹Муаллиф ишланмаси

ўртасида ишсизликни камайтириш, ишсиз ёшларни касбга йўналтириш, касбий тайёргарлик, меҳнат фаолиятига кўникитириш, ишни таълим жараёни билан қўшиб олиб бориш ва бошқалар. Бунда ёшлар бўйича ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатдан келиб чиқиб, бозор мувозанатига эришишнинг худудий усусларини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда касб-хунар таълими олиш ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашда касб-хунар таълими муассасалари сони ва ўқувчилар сони ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мухим аҳамиятга эга. Бу муносабат бозор мувозанатига эришишга ёрдам беради, яъни ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги айrim номутаносибликларни камайтиришга ва ижобий мувозанатни таъминлашга хизмат қиласи (1-жадвал).

1-жадвал Ўзбекистондаги ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари сони, ўқувчилар сони ва қабул қилинган ўқувчилар сони бўйича маълумотларни тақдим этади.

1-жадвал
Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари сони, ўқувчилар ва ўрта маҳсус касб – хунар таълими муассасаларида қабул қилинганлар сони динамикаси (2018-2023 йиллар)¹⁴

Вилоятлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2023 йилда 2018 йилга нисбатан (+,-)
<i>Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари сони</i>							
Ўзбекистон Республикаси	656297	239239	56959	95216	95144	60327	-595970
<i>Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар сони</i>							
Ўзбекистон Республикаси	728,1	282,4	229,9	404,5	430,9	407,5	-320,6
<i>Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилинганлар сони</i>							
Ўзбекистон Республикаси	192,1	33,5	28,2	203,5	205,9	206,1	-14

2018 йилда 656,297 та муассаса мавжуд бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 60,327 тага тушган, яъни 595,970 та муассаса камайган. 2018 йилда ўқувчилар сони 728,1 мингни ташкил этган, 2023 йилда эса бу рақам

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

407,5 мингга тушган. Жадвал маълумотларига қараганда, Ўзбекистондаги касб-хунар таълими соҳасида катта ўзгаришлар бўлиб, муассасалар сони ва ўқувчилар сонининг камайиши битирувчиларнинг бир томондан, таълим тизимида сон эмас сифат босқичига олиб чиқиш чоралари кўрилганлигини англатади.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий унсурларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат. Талаб - иқтисодиёт соҳаларининг меҳнат бозорига буюртма этган, иш ҳақи фонди, якка тартибдаги хўжаликлардан олинадиган даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради. Таклиф - ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор бўлган ишчи қучининг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди. Таълим олиш, касбий ўсиш, ўз йўналишини кенгайтириш имкониятларига ҳам кенг йўл очиб берилган. Буларнинг барчаси иш билан бандлик кўрсаткичларидаги юқори горизонтал ва вертикал сафарбарлик ҳолатларини вужудга келтиради.

Худудларда меҳнат сарф этиладиган соҳалар асосан талаб юқори бўлган касблар билан чекланади, таълим олишга бўлган имкониятлардаги тафовутлар битирувчиларининг олий ва профессионал таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топширишда рақобатбардошлигини тушишига олиб келади. Бу ҳолат ҳудудлардаги иш билан бандларнинг таълим даражаси профессионал ва касбий чекловларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади. Таълим тизими битирувчиларининг ишга жойлашиши жараёнида муйан ҳатти-харакатларни амалга оширишга тайёрлиги таҳлили битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги ва касбий қўнимларни омилларига бевосита таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Иш билан бандлик муносабатларини макродаражада ўрганиш меҳнат бозорини тартибга солишининг асосий воситаси ҳисобланадики, бунда иш кучига бўлган эҳтиёжни кучайтириш ва ишчи кучи самарали таклифини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишда ижтимоий ва иқтисодий механизмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Таклиф этилаётган иш билан бандликни оширишнинг самарали ижтимоий-иктисодий механизмларининг элементлари иш билан бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириши имконини беради ҳамда иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқишида муҳим асос ҳисобланади.

Касб-хунар таълими битирувчиларининг касбий қўнимларни ривожлантиришга қуйидаги таклифларни берамиз:

- ўқитувчиларнинг малакаси ва тажрибаси ошириш, таълим жараёнида замонавий ўқув материаллари ва технологияларнинг қўлланилишини ривожлантириш, назарий билимларни амалиёт билан интеграциялаш.
- амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиқлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик даражаси, ўқув жараёнида замонавий ускуналардан фойдаланиш имконияти кенгайтириш;
- касб-ҳунар таълими битирувчиларини касбий-кўникамаларини меҳнат бозори эҳтиёжлари замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш;
- битирувчилар учун таклиф этиладиган қўшимча малака ошириш курслари, янги технологиялар бўйича тренинглар ва вебинарлар, устувор касб йўналишлари бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш;
- битирувчиларининг касбга бўлган қизикиши ва мотивациясини рағбатлантириш ва касб-ҳунар таълими муассасасидаги руҳий ижтимоий мухитни яҳшилаш;

Ушбу омиллар битирувчиларнинг касбий ривожланиши ва меҳнат бозорида рақобатбардошликни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими битирувчиларининг касбий кўникмаларини оширишга қаратилган тизимли ёндашув мавжуд бўлиб, бу жараён давлат томонидан қўллаб-куватланади ва назорат қилинади.

Бизнингча, меҳнат бозорини тартиба солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизми иш билан бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириши зарур. Янги технологияларни қўлланиши ва ишлаб чиқариши қайта ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган самарали иш билан бандликка эришиш аҳолининг иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиша эътиборга олиниши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2022. 21 декабрь, 272 (8334)

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тайёрлаш тизимини янада таомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 16.10.2024 й. ПФ-158-сон.
<https://lex.uz/docs/7166588>

4.Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Ходимларни бошқариш (дарслик). – Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти». 2004.-207 б.

5.Сафаров О.А. Замонавий менежмент ёндашувлари асосида ҳалқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш. И. ф.б.ф.д.PhD диссертация автореферати. Т.: 2018 – 13 Б.

6.Холмўминов Ш.Р. ва б. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2018. - 160 бет.

7.Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55 - 56.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-yil 11-сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

CAPITAL INDEX QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION
EDUCATION EXPECTED DURATION OF EDUCATION LIFE EXPECTANCY
ION OF EDUCATION LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C
TAN DEMOGRAPHY ATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IN
HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL INDEX QUALITY OF EDUC
CAPITAL INDEX QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION
EDUCATION EXPECTED DURATION OF EDUCATION LIFE EXPECTANC
ION OF EDUCATION LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C
TANCY HEALTH STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND
DEX 2024
NANCY
LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS
HUMAN CAPITAL

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13



Tashkent, Uzbekistan



ilmiy maktab@gmail.com



www.laboreconomics.uz